

АЙРИМ ТАХАЛЛУСЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК

ТАҲЛИЛИ

Низамова Шаҳноза Убайдуллаевна

Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

Ўзбек тили антропонимик birlikларининг маълум қисмини тахаллуслар ташкил қилади. Ҳолбуки, Э.Бегматовнинг бир қатор асарларидаги айрим маълумотларни ва бошққа кичик тадқиқотларни¹ эътиборга олмаганда, ўзбек тилшунослигида тахаллуслар махсус тўпланмаган ва монографик тадқиқ қилинмаган. Тахаллус ҳақида адабиётшунослар томонидан ёзилган илк тадқиқот “Тахаллуслар” китобидир². Тахаллуслар ижтимоий-сиёсий, адабиётшунослик, тилшунослик фанлари томонидан тўпланиши ва ўрганилиши мумкин. Тахаллусларни ижтимоий-сиёсий мақсадда ўрганиш тахаллус эгасининг сиёсий мақсадларини билиш, тахаллус эгасининг қандай ғоявий гуруҳга мансуб эканини аниқлашни мақсад қилиб олади. Тахаллусни тилшунослик, яъни ономастик аспектда ўрганиш эса ҳам лингвистик, ҳам бадиий-эстетик ҳулосалар чиқаришга имкон беради³. Тахаллусларни танлаш ва тартиблаш баъзи тахаллусдош адибларни аниқлашга ёрдам беради. Бу, айниқса, 1920 йиллар ўзбек матбуоти саҳифаларидан 430 тахаллусни тўплаган Б.Кориев⁴ ҳамда И.Исоқовларнинг⁵ мақолаларида ёрқин кўринади.

Тахаллус танлашда тахаллус эгасининг хоҳиши билан боғлиқ бўлган услубий маъно ётади. Бу жиҳатдан тахаллуслар бадиий асар образлари номига ўхшаб кетади ва ёзувчи ижодида, айниқса, ҳажвий асарларда бадиий воситалардан бири сифатида хизмат қилади. Шу сабабли

¹ Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. НД. – Тошкент. 1965; Бегматов Э. Номлар ва одамлар. – Тошкент: Фан, 1966; Менжаев Я., Азаматов Х., Абдурахмонов Д., Бегматов Э. Исмингизнинг маъноси нима? – Тошкент: Фан, 1968.

² Қораев Т., Воҳидова В. Тахаллуслар. – Тошкент: Фан, 1979.

³ Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013.

⁴ Қораев Б. Адабий тахаллусалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1967, 1-сон 54-58-бетлар.

⁵ Исоқов Ё. Алишер Навоий ва Навоий тахаллусли шоирлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968, 3-сон 76-80-бетлар; Ўша муаллиф. Ўн бир Жомий. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968, 3-сон 42-45-бетлар.

адабиётшуносларнинг ёзувчи ёки шоир тахаллуси сирини, мотивини очишга ҳаракат қилишлари ана шу бадиий воситаларнинг моҳиятини билишга қаратилган бўлади.

Наманган тарихий антропонимиясида ҳам тахаллуслар салмоқли ўрин тутади. Наманган адабий муҳитига доир тахаллусларни тўплашда ва тадқиқ этишда Исҳоқхон Ибрat,⁶ Пўлатхон Каюмов,⁷ Алихон Халилбеков асарлари муҳим манбалардандир.

Тахаллусларнинг бир тури адабий тахаллуслардир. Адабий тахаллусларин давр нуқтаи назаридан тарихий ва замонавий турларга ажратиш мумкин. Тарихий адабий тахаллуслар ўтмишда ижод қилган шоир ва адибларнинг тахаллусларидир. Замонавий адабий тахаллуслар яқин ўтган йиллардаги ёки ҳозирги шоир ва адибларнинг тахаллусларидир. Тахаллусларнинг бу икки тури вазифаси, моҳияти нуқтаи назардан умумийлик касб этса-да, луғавий асоси, шакли, тарихий-этимологик манбаси жиҳатидан бирмунча ўзига хос фарқли хусусиятларга эга.

XVII-XX асрлар адабий муҳитида Наманган шахри антропонимиясига мансуб куйидаги адабий тахаллуслар кузатилади: *Машираб*, *Қиёсий*, *Зокирий*, *Фазлий*, *Мажзуб*, *Нодим* каби. Қиёсий – XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср бошларидаги адабиётнинг таниқли вакилларида бири Эшон Муҳаммад Амин Хўжанинг Тахаллусларидир. Зокирий – XVIII аср ўрталарида Наманган шахрида туғилган, машҳур шоир ва олим Зокирхўжа Муҳаммад Амнхўжа ўғлининг адабий тахаллусидир. Амир Умархон даврида Қўқонда мударрислик қилган шайхулислом мартабасига ҳам кўтарилган. Зикирхўжа *Эшон Шайх ул-ислом Намангоний*, *Хўжои Калон* номлари билан машҳур бўлган⁸. Тахаллусга “зикр айтучи, ҳамд-сано айтучи, ибодатга машғул бўлучи”⁹ маъноларини англатучи Зокир сўзи луғавий асос бўлган. Рожий Намангоний, Излат, Риндий

⁶ Ибрat. Тарихи Фарғона. – Тошкент: Камалак, 1991.

⁷ Каюмов П. Тазкираи Каюмий. – Тошкент, 1998.

⁸ Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Наманган, 2007.

⁹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1983, 644-бет.

– “Тазкираий Қаюмий”да тилга олинган Наманганлик истеъдодли шоирлардир. Мазкур манбада уларнинг исмлари берилмаган.

Ўзбек адабиётида Рожий тахаллуси кенг тарқалган. Манбаларда келтирилишича Рожий тахаллусли шоирлар бўлган: Рожий – Идрисхўжа Махдум Бухорий Набирахўжа ўғли, Рожий – Муҳаммад Юсуф Маҳзум ибн Хўжамберди, Рожий Марғилоний – Хўжажон Хўжа Низомиддин Хўжа ўғли, Рожий – Сулаймонкул уста Суяркул ўғли каби¹⁰. Бундай бир тахаллусли ижодкорлар тахаллусдошлар ҳисобланади.

Келтирилган далиллар “нимадандир қайтиш, нимагадир тегишлилик, боғлиқлик” мотивлари ўзбек тахаллуслари сирасида фаол бўлганларидан далолат беради. *Излат* тахаллусига “куч қудрат; шараф; қиймат” маъноларини англатучи *изз* сўзи луғавий асос бўлган¹¹. Тахаллуснинг танланиш мотивини шоирни ижодда шарафга эга бўлиш орзусида бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Риндий тахаллусига эса *ринд* “майпараст”¹² сўзи луғавий асос бўлганлиги аниқ, ном шу асосдан *-ий* аффикси воситасида ясалган. Бизнингча, тахаллус тасаввуфий маъно-моҳияга эга бўлиб, май мажозий бирлиги асосида ҳосил қилинган.

Шахснинг исми, асосан, битта бўлади. Тахаллус эса бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Масалан, *Машираб*, *Маҳдий*, *Умам* – машхур Наманганлик шоир Бобораҳим (Раҳимбобо) Валибобо ўғлининг тахаллусларидир. У халқ орасида Шох Машраб, Қаландар, Машраб, Девонаи Машраб, Эшони Шох Машраб Намангоний номлари билан ҳам шуҳрат қозонган¹³. Машраб тахаллусини унга устози Офоқ Хожа қўйганлигини айтади: “Қуддиси сирруху Хожам отимни Машраб дедилар”. Машраб тахаллусининг луғавий асоси – *машираб* сўзи шакл ва маъно хусусиятига кўра омоним бўлиб, қуйидаги маъноларни англатади: 1) *табиат, хулқ, атвор; ичимлик, май; иширатхона; 2)*

¹⁰ Қаранг. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004, 345-346-бетлар.

¹¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1983, 17-бет.

¹² Ўша луғат 623-бет.

¹³ Жаббор А. Машраб асарлари учун луғат ва изоҳлар. – Наманган: Фар-она, 2010, 108-бет.

*йўл-йўриқ; зоя, маслак, хислат; майл*¹⁴. Бизнингча, бу маънолар шоирнинг табиати, дунёқараши ва ижодий руҳиятининг рамзий ифодалари бўлиб, шоир маънавий унёси ҳақида ёрқин тасаввурлар беради.

Мажзуб – XVIII асрнинг охирида туғилган ва XIX асрнинг 50-йиллари ўрталаригача яшаб ижод қилганлар тасаввуф шоир Мулла Абдулазиз Мулла Ҳасан Кўчак ўғлининг тахаллуси.

Баъзи ўзбек адиблари тахаллус сифатида фамилияларининг *-ов, -ев* қисмларини тушириб ҳам қўллашаган. Бу анъана барча ҳудудларда бўлгани каби, замонавий Наманган шаҳри адабий муҳитида ҳам кенг кузатилади: *Усмон Носир, Турғун Пулат, Ҳабиб Саъдулла, Абдулла Жаббор, Жамолiddин Муслим, Аъзам Обид* каби.

Наманган шаҳри антропонимиясига хос тахаллусларни луғавий асосига кўра қуйдагича гуруҳлаш мумкин:

- 1. Ижод билан боғлиқ сўзлар асос бўлган тахаллуслар:** *Мажзуб* сўзи *хайратланган, жазаваланган, девона* маъноларни англатади; *Муҳлис* – XVIII асрнинг 90-йилларида Наманган шаҳрининг Қоратут маҳалласи (ҳозирги Чорсу маҳалласи)да туғилган шоир ва воиз, нотик Мулла Ёрмуҳаммаднинг тахаллуси; *Нисорий* (Отахон Жалил) 1883 йили Наманган шаҳрининг Янгийўл маҳалласида туғилган; *Шўхий* (Абдувоҳид Аҳадов) 1916 йил 25 сентябрда Наманган шаҳрининг Ҳўжам қабри маҳалласида дунёга келган.
- 2. Турли белги-хусусиятларга асосланган тахаллуслар.** Бундй тахаллуслар ижодкорга хос ижобий, хусусан, билимлик, ақллилик ва зукколикнинг англатадиган сўзлардан ҳосил бўлган. *Беназир* сўзи асли форс-тожикча бўлиб, *тенгсиз, тенги йўқ* маъноларини англатади ҳамда ўзбек тилида қизлар исми сифатида ҳам учрайди. Зулия номидаги давлат

¹⁴ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1983, 266-бет.

мукофоти соҳибаси Гулчеҳра Зокирова шеърятда тенгсиз, тенги йўк бўлиш орзусида Беназир тахаллусини танлаган.

- 3. Ижодкорнинг руҳий ахволига, руҳий ҳолатига асосланган тахаллуслар.** Бундай тахаллуслар ғам, ғусса, дард, армон ва бошқа мавҳум тушунчаларни англатадиган сўзлардан ҳосил бўлганлиги билан характерланади; масалан: *Догий* (Йўлдош Отақўзи ўғли), *Физоний* (Довудхон Оббосов), *Ҳаёла* (Руқия Ғозиева) каби.
- 4. Ижтимоий келиб чиқиши ва касбий, лавозим мотивацияси асосида юзага келган тахаллуслар.** *Унвоний* (Валихон Тўра ўғли) она томонидан Нодим Намангонийга набира бўлган. Жомий маҳалласида яшаган; *Умар*, *Малҳамий* – аптекачи шоир Умархон Аҳмаджоновнинг тахаллуси. У ўз касбига нисбат бериб, шундай тахаллус танлаган.
- 5. Тахаллус-нисбалар.** Нисбалар шахснинг туғилган ёки яшаган жойига нисбатан юзага келади. Илмий адабиётларда изоҳланишича, нисбалар бир ижодкорни бошқасидан фарқлаш учун қўлланган қўшимча антропонимик бирликдир. Нисбалар ижодкорлар ва диний алломалар ноларида кузатилади¹⁵. Наманган шаҳрига нисбат берилган айрим нисбаларни тахаллуслар билан бирга қўлланиши кузатилади. Биз бундай номларни моҳиятига кўра, “тахаллус-нисбалар” деб атадик. *Нодим Намангоний* – орасида Эшон Бобохон номи билан номи билан машҳур бўлган шоир. Сулаймонхон Тўра Улуғхон Тўра ўғлининг (1844-1910) тахаллус-нисбаси. Алихон Халилбеков талқинича, *Нодим* сўзи “пушаймон қилучи”, “афсусланучи” маъноларини билдиради¹⁶. *Фазлий Намангоний* – Наманган шаҳрида туғилган шоир, адабиётшунос, тарихнавис, “Мажмуаи шоирон” тазкирасини тузган Мовлоно Абдулкаримнинг тахаллусидир. Демак, тахаллус-нисбалар маълум шахснинг тахаллуси ва нисбасидан таркиб топган.

¹⁵ Ҳусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Наврўз, 2014, 96-бет.

¹⁶ Қаранг. Ҳалилбеков А Нодим Намангоний. – Наманган, 2004, 5 –бет.

6. Исм-тахаллуслар. Айрим анъаналарга кўра фамилия ёки исмга *-ий* қўшимчасини қўшиш асосида ҳосил қилинган тахаллуслар ҳам кузатилади: *Дадахон Нурий* (Нуриддинов Дадахон Эгамбердиевич), *Ғаффорий* (Абдуқаххор Ғаффорий), *Ҳамид Нурий*, *Лутфулло Олимий* каби.

Тахаллуслардан кўринадики, тахаллусларнинг ономаситик таҳлили ҳам лисоний, ҳам бадий-эстетик хулосалар беради, тахаллус соҳиблари ҳақидаги билимлар сирасини бойитади.